



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
РЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

2021 йил “24” Август

№ 270-УМ

Тошкент ш.

2021/2022 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университети ҳамкорлигидаги “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4391-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 393-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2021 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида” 421-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2020 йил 31 декабрда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург давлат университети ўртасида имзоланган қўшма таълим дастури (double degree)ни амалга оширишга доир ҳамкорлик шартномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мазкур қўшма таълим дастури учун белгиланган қабул квотаси доирасида кириш имтиҳонлари ўтказиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўқув ишлари бўйича проректор А.Вахидов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Э.Махмудов, Магистратура бўлими бошлиғи Ш.Саидовга:

1.1. 2021/2022 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университети ҳамкорлигидаги “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” ва “Постсовет ҳудудида халқаро муносабатлар” магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастури ташкил этилсин.

1.2. Ўқув графиги қуйидагича йўлга қўйилсин: 1-2 ва 4-семестрлар – ТДШУда; 3-семестр – СПБДУда.

2. Мазкур қўшма таълим дастурига кириш имтихонлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент давлат шарқшунослик университети томонидан тасдиқланган 5A121102 - Международные отношения и мировая политика номли мутахассислик фанлариаро синов дастури асосида шаффоф ва адолатли тарзда 2021 йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказилсин;

3. Кириш имтихонларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Рихсиева Г. – ректор, комиссия раиси
2. Вахидов А. – ўқув ишлари бўйича проректор, раис муовини
3. Махмудов Э. – халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, аъзо
4. Хусанов Ч.Қ. – Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти, сиёсати ва туризм факультети декани, аъзо
5. Салаев Д. – қабул комиссияси масъул котиби, аъзо
6. Наримонов Қ. – ахборот технологиялари маркази бошлиғи, аъзо
7. Мадаминова Д. – Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси мудири, аъзо.

3. Ўқув ишлари бўйича проректор А.Вахидов, Қабул комиссияси масъул котиби Д.Салаев, кафедра мудири Д.Мадаминовага:

3.1. Абитуриентларнинг “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” магистратура мутахассислиги қўшма дастурига ҳужжатлар топшириши университет ҳудудида махсус ажратилган хонада қатъий ҳисоб асосида амалга оширилсин.

3.2. Кириш имтихонлари ўтказилиши муддати ва тартиби, 5A121102 – Международные отношения и мировая политика номли мутахассислик фанлариаро синов дастури, баҳолаш мезонлари, Апелляция комиссиясига мурожаат қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар университет расмий сайти www.tsuos.uz га жойлаштирилсин ва абитуриентларнинг аризаларида кўрсатилган телефон рақамларига хабар жўнатиш орқали тезкор етказилсин.

3.3. Кириш имтихонлари икки босқичда ўтказилишини назарда тутган ҳолда биринчи босқич Тошкент давлат шарқшунослик университетида қуйидаги тартибда ўтказилсин:

3.4. Кириш имтихонлари 5A121102 – Международные отношения и мировая политика номли мутахассислик фанлариаро синов дастури асосида

Ўтказилсин ва тегишли тартибда ёзма иш ҳамда оғзаки суҳбат саволлари ҳамда жами 100 баллик баҳолаш мезонлари шакллантирилсин.

3.5. Мутахассислик фанлариаро рус тилидаги ёзма иш тарзидаги имтиҳон камида 3 та саволга жавоб шаклида ўтказилсин 50 баллик мезон асосида баҳолансин.

3.6. Мутахассислик фанлариаро рус тилидаги оғзаки суҳбат тарзидаги имтиҳон камида 3 та саволга жавоб шаклида ўтказилсин 50 баллик мезон асосида баҳолансин.

3.7. Кириш имтиҳонларининг биринчи боскичида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар кириш имтиҳонларининг иккинчи боскичида иштирок этишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилсин.

3.8. Биринчи босқич кириш имтиҳони **2021 йил 17 сентябрь соат 9-00дан** Тошкент давлат шарқшунослик университети Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй манзилида жойлашган ўқув биносида ижтимоий масофани сақлаган ва карантин талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилсин. Кириш имтиҳони саволларига жавоб бериш учун абитуриентларга ёзма иш учун **икки соат (120 минут)** ва **оғзаки савол жавоб учун бир соатлик(60 минут), жами уч соат(180 минут)** вақт чегараси белгилансин.

3.9. Биринчи босқич кириш имтиҳонлари топширадиган абитуриентларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари синчиклаб текширилганидан сўнг университет ҳудудидаги кириш имтиҳонлари ўтказиш жойига киритилсин. Муддатдан кеч қолган абитуриентлар кириш имтиҳонларига қўйилмасин.

3.10. Кириш имтиҳонларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида кириш имтиҳонлари ўтказиладиган ҳудуд видеокамералар билан таъминлансин ва жараёнлар **тўлиқ** видеоёзувга олинсин.

3.11. Биринчи босқич кириш имтиҳонлари натижалари **2021 йил 18 сентябрь куни** университет расмий сайти орқали эълон қилинсин.

3.12. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича Апелляция комиссиясига мурожаатлар имтиҳон натижалари эълон қилинганидан сўнг **24 соат** ичида ёзма тарзда қабул қилинсин.

4. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича апелляция комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Джураев С.А. – с.ф.д., Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси профессори, раис

2. Назаров А. – PhD, Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо

3. Бўронов С. – PhD, Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо

4.1. Апелляция комиссияси иши **2021 йил 20 сентябрь куни соат 10-00дан 14-00гача ташкил этилсин** ва эътирозлар абитуриентларнинг шахсан иштирокида кўриб чиқилсин. Хулосалар тегишли тартибда расмийлаштирилсин.

5. Кириш имтиҳонларининг иккинчи босқичи Давлат тест маркази билан келишилган муддатларда чет тилидан жами 50 балл миқдорида баҳоланадиган тест синовлари шаклида ўтказилсин.

5.1. Иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш тест синовларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 40 фоизини тўлаган абитуриентлар қўшма таълим дастури бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиши ҳамда қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

5.2. Чет тили, бўйича камида В2 даражадаги миллий ва унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар магистратура мутахассислигига қабул жараёнида иккинчи босқичда чет тилидан ўтказиладиган имтиҳонлардан озод этилсин ва уларга мазкур босқич учун максимал балл берилсин.

5.3. Иккинчи босқич кириш тест синовлари Давлат тест маркази томонидан **2021 йил 22 сентябрь куни соат 10-00дан ўтказилиши бўйича зарур чора табирлар амалга оширилсин.**

6. Кириш имтиҳонларининг иккала босқичидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар натижаларига уларнинг бакалавриат таълим йўналиши бўйича олган дипломи иловасидаги фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичининг ўртача миқдори ҳисобланиб қўшилсин ва танлов қайдномалари шакллантирилсин.

6.1. Танлов қайдномалари кириш имтиҳонларининг ҳар иккала босқичи ўтказилгандан кейин бир кун ичида расмийлаштирилсин университет расмий сайт ва каналларида эълон қилинсин ҳамда абитуриентларга етказилсин.

6.2. Танлов қайдномаларида биринчи 5 ўринни эгаллаган абитуриентлар тўлов шартнома асосида Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университети ҳамкорлигидаги “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурига талабаликка қабул қилинсин.


6.3. Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университети ҳамкорлигидаги “Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати” магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастури дарс жараёнлари 2021 йил 27 сентябридан анъанавий шаклда бошлансин.

7. Девонхона ва архив бўлими бошлиғи Ш.Якубжановага:

7.1. Мазкур буйруқ нусхалари ўрнатилган тартибда университет проректорлари ва факультетлар деканларига етказилиши таъминлансин.

8. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор



Г.Ш.Рихсиева